

**Сайдова Барно Нарзуллоевна,**

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика  
университети мустақил изланувчиси

## АЁЛЛАР ТАЪЛИМИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА МАЪРИФАТПАРВАР АЁЛЛАР ЎРНИ

УДК: 37.03

### **САИДОВА Б.Н. АЁЛЛАР ТАЪЛИМИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА МАЪРИФАТПАРВАР АЁЛЛАР ЎРНИ**

Ушбу мақола Ўрта Осиёда аёллар таълими мавзуси доирасида маърифатчилик ва жадидчилик ҳаракати даврида саводли аёлларнинг замон руҳидаги таълим тизимини жорий этиш зарурлиги ҳамда аёлларнинг жамият ҳаётида фаол иштироки ҳақидаги мулоҳазалари борасида мавжуд илмий изланишларни умумлаштиришига бағишиланган. Шунингдек, мақолада мусулмон аёлларининг Европа аёллари каби мақомга эга бўйлмаганлиги, аммо билимга интилиш намунасини, эркинликка эга бўлиш учун ҳаракат ибратини, адолатсизликка қарши курашиб мисолини ҳаётий амаллар билан намойиш этиб, шу билан бирга фарзандларини тарбиялаш ва ижод билан шуғулланишдек масъулиятили вазифаларни бажарганилиги акс этади. Юртимиз тупроғида туғилиб, вояга етган, ўз даврининг илмли, маърифатпарвар аёлларидан бўлган Дильшод Барно, Жаҳон Отин Увайсий каби олималар ҳақида сўз боради. Аёллар таълимини қўллаб-қувватлашда маърифатпарвар аёллар ўрни ҳақидаги маълумотлар педагогика университетларининг "Педагогика ва психология" йўналишларида "Педагогика назарияси ва тарихи" фани доирасида ўрганилади.

Таянч сўз ва тушунчалар: маърифатчилик, саводли аёллар, аёллар мактаби, шоира аёллар.

### **САИДОВА Б.Н. РОЛЬ ЖЕНЩИН-ПРОСВЕТИТЕЛЬНИЦ В ПОДДЕРЖКЕ ЖЕНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

Данная статья посвящена обобщению существующих исследований о взглядах женщин-просветительниц периода движений просветительства и джадидизма о необходимости внедрения системы образования, соответствующего духу времени, и активного участия женщин в жизни общества в контексте образования женщин в Средней Азии.

В статье также показано, что мусульманские женщины не имеют такого же статуса, как европейские женщины, но жизненно важными действиями подали пример стремления к знаниям, пример стремления к свободе, борьбы с несправедливостью, выполняя при этом ответственные обязанности, такие как воспитание детей и участие в творчестве. Речь идет о таких ученицах, как Дильшод Барно, Джакхон Отин Увайси, родившихся и выросших в нашей стране, которые были образованными и просвещенными женщинами своего времени.

Ключевые слова и понятия: просветительство, женщины-грамотеи, женские школы, женщины-поэтессы.

## SAIDOVA B.N. THE ROLE OF WOMEN EDUCATORS IN SUPPORTING WOMEN'S EDUCATION

In the article is summarized existing research on the views of women literates during the period of the enlightenment and jadidism movements regarding the necessity to introduce an education system that corresponds to the spirit of the time and the active participation of women in society in the context of women's education in Central Asia.

The article also shows that Muslim women does not had the same status as European women, but have set an example of striving for knowledge, an example of striving for freedom, an example of fighting injustice with vital actions, while fulfilling responsible duties such as raising children and engaging in creativity. It is talking about such scientists as Dilshod Barno, Jahan Otin Uvaysi, who were born and raised in the country, who were educated and enlightened women of their time.

Key words and concepts: enlightenment, women-literates, women's schools, women poets.

**Кириш.** Ўрта Осиё педагогикаси тарихининг XIX-аср охири – XX-аср бошларидағи даврида маърифатчи, шоира, олимава тарихшунос аёлларга бағишиланган ёрқин саҳифалар жуда кўп. Бироқ, уларнинг деярли барчаси учун характерли бўлган бир сюжет кўзга ташланади, яъни аксариятинг ҳаёти ва фаолияти обрўсизлантириш бўрони ҳамда ҳар хил чекловларда ўтади ва ҳатто кўпинча фожиали тарзда тугайди. Табиийки, ўша замон зайди сабаб, қатъий шариат таҳлили, ва одат қонунларининг ҳукмронлиги боис ўша даврларда мусулмон аёли, масалан, Европа аёлига тенглаша олмасди ёки жамиятда европалик аёл сингари мақомга эга бўлолмас эди. Шунга қарамасдан, аёллар ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун шижаат билан кириб келишиди. Мусулмон аёли билимга интилиш намунасини, эркинликка эга бўлиш учун ҳаракат ибратини, адолатсизликка қарши курашиб мисолини ҳаётий амаллар билан намойиш этиб, шу билан бирга фарзандларини тарбиялаган, ижод билан шуғулланган. Демак, маърифатпарвар аёлларнинг таълимтарбияни қўллашдаги ўринларини ўрганиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

**Мақсад** халқ таълими тарихини педагогика нуқтаи назаридан объектив таҳлил қилиш ва Ўрта Осиё халқларида аёллар таълим ва тарбиясининг ҳолати ва тузилишини ўрганишdir.

**Муаммонинг ўрганилганлик дараси.** Тарихий давр нуқтаи назаридан, тарихий муаммо сифатида маърифатчилар даври ва улар вакилларининг фаолияти ҳақида кўп илмий изланишлар ва фундаментал тадқиқотлар амалга оши-

рилган. Муаммо на фақат Ўзбекистонда, балки қўшни республикалар ва хорижда ҳам олимларнинг ўрганиш обьектига айланган. Аммо, маърифатчилик давридаги аёлларнинг аёллар дунёвий таълим мини жорий этиш йўлидаги фаолияти ҳалигача мукаммал ўрганилмаган. Бу борада муаллифлар З.Абдирашидов, В.Кочаров<sup>1</sup>, А.Мухтаров, Н.Остроумов<sup>2</sup>, Ф.Хусайнова<sup>3</sup>, М.Қодирова, З.Абдулазизова, А.Худайкулов<sup>4</sup>, А.Расулов<sup>5</sup>, Д.Насриддиновалар томонидан ёзилган монографик рисолалар, диссертациялар ва даврий матбуотларда нашр этилган мақолаларда эса муаммонинг маълум бир қисмлари қамраб олинган.

**Мавзунинг долзарблиги ва ўрганиш зарурати.** Мавжуд илмий, илмий-публицистик ҳамда оммабоп нашрлардаги маълумотларнинг таҳлилига кўра, XIX-аср охири – XX-аср бошларида, яъни маърифатчилик ва жадидчилик ҳаракати ижтимоий-сиёсий, маънавий, маърифий ва маданий ҳаётда ўзгаришлар жорий этиш зарурати, замон руҳи билан

<sup>1</sup> Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане (1865-1917 гг.). – Ташкент, «Фан». 1966. – 124 бет;

<sup>2</sup> Остроумов Н.П. Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае. - М.: 2011. – 176 бет;

<sup>3</sup> Хусайнова Ф. Демократ шоира Анбар отин. – Тошкент: "Мовоороуннаҳр", 1964. – 36 бет.

<sup>4</sup> Худайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX в.) Дисс. на соис. канд. ист. наук. - Ташкент, 1995.

<sup>5</sup> Расулов А., Насриддинова Д. Жадидчилик ҳаракатида татар аёлларнинг ўрни. / Жадид маърифатпарварлик ҳаракатнинг ғоявий асослари /. - Тошкент, Тошкент ислом университети, 2016.

ҳамқадам бўлган таълим ва тарбия тизимини жамиятда барқарор қилиш ҳақидаги ғояларининг амалдаги манзарасини кўриш учун аёллар қанчалик фаол иштирок этгандарининг илмий асослари яхлит кўринишда яратилмаган. Қолаверса, аёлларнинг ўzlари ўзларининг таълим олишлари, жамият ҳаётида фаол қатнашиш имкониятига эга бўлиш учун кураш саҳнасидаги фаолияти, миллий педагогикамиз тарихининг саҳифаларини тўлдириш учун, илмий тадқиқот ва илмий изланишларга эҳтиёж тўғдирмоқда. Шу нуқтаи назардан, ушбу илмий муаммони ўрганиш ва қўлга киритилган натижаларини эълон қилиш илмий ва амалий заруратга айланган.

**Тадқиқот обьекти.** Ўрта Осиё халқларида аёллар таълим мининг ўтмишдаги манзараси, бу муаммонинг босқичма-босқич ривожланиши ва унинг хусусиятлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараённида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, моделлаштириш, сўровнома, сұхбат шунингдек, олинган натижаларни статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Мақоланинг илмий моҳияти** Ўрта Осиё аёллари таълим-тарбиясининг хусусиятлари, энг муҳим вазифалари, асосий йўналишлари ҳамда даражасини ўрганишдан иборат.

#### **Натижалар ва амалий мисоллар.**

- археологик ёдгорликлар, ёзма манбаларни ва адабий асарлар таҳлили асосида қадимги ва ўрта аср аёлларининг таълимий ва касбий малакалари даражаси ўрганилди;
- ўрта асрлар меросини педагогик таълимот тушунчаларининг таҳлили асосида мусулмон тарбияси ва таълим мининг шаклланиши ва ривожланишининг асосий босқичлари аниқланди ва ёритилди;
- қадимги ва ўрта аср аёллари мактаб таълим мининг ёритилиши, ўқишнинг асосий йўналишлари ва мавзулари ҳақида маълумотлар келтирилди.

#### **Асосий қисм.**

Аёлларнинг ўzlари томонидан ёзилган, аёллар таълимига оид биринчи мақолалар маҳаллий газеталарда пайдо бўлган. Салима Ёқубова ва Маҳфуза Мақсадова «Садои Туркистон» (Туркистон овози) газетасида биринчи маротаба нафақат никоҳ ва оила, балки таълим масаласини ҳам кўтардилар. Уларнинг

фикрига кўра, Европада бўлгани каби, Туркистон ўлкаси аёллари учун ҳам дунёвий мактабларни очиш керак. Ўқитиши масаласини кўтаришда улар аёлларнинг мактабда ҳам ўрганиши ва ўқитиши кераклигини алоҳида таъкидлайдилар. Муаллифларга кўра, ўқитиши фаолияти фақат ўқитиши курсини тутгатганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлганлар томонидан амалга оширилиши керак. Шунингдек, таъкидланишича, қизлар мактабларидаги ўқитувчиларга маълум маош тўланиши лозим<sup>1</sup>.

Ушбу мақоланинг эълон қилиниши аслида аёллар таълими борасидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича йиллар давомида йиғилган жамият муаммонинг ечими йўлидаги ошкора қадам эди. Чунки, XIX-асрнинг охирида Ўрта Осиёнинг тараққий парвар аёллари таълимни ўзгартириш лозимлиги тўғрисида ўзларининг фикр мулоҳазалари ҳамда амалдаги ишлари билан фаол иштирок этдилар.

Педагогик фаолият билан шуғулланган отунлар, устоз-аёллар мактаб ўқитувчилари сифатида дарсларини замон руҳига мослаштириб қизиқарли ва мазмунли ўтказа бошлидилар. Манбаларга кўра, айниқса, Дилшод, Анбаротун, Увайсий ва бошқалар фаолияти бу борада ибратлидир. Ўша пайтда, улар жамиятда, аҳоли ўртасида саводли аёллар деб аталган.

Юқорида кўрсатилган саводли аёллар ўз мактабларида қизларни ёшлигидан йиғишган. Қизлар 13-14 ёшгача бундай маърифатпарварларнинг мактабларида нафақат ёзма ва араб графикасини ўрганишган, балки машҳур ва мумтоз шоирлар Ҳофиз, Саъдий, Навоий, Бедил, Фузулий, Гулханий ва бошқалар ижоди билан ҳам танишганлар. Бундай мактабларда қизларга мусулмон адабиёти асослари ва шеър ижод қилишнинг юқсан маҳорати, шеърларида абжад ҳисобидан фойдаланиш усуллари ўргатилган.

Мутахассислар фикрига кўра, бу мактабларда қизлар узоқ вақт давомида ўғил болалардан ҳам кўпроқ билим олишлари мумкин эди<sup>2</sup>. Ҳақиқатан ҳам дунё билан алоқаси

<sup>1</sup> Якубова С., Максудова М. О браке // «Садои Туркистон» газетаси, 20 мая 1914 г.

<sup>2</sup> Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. Б. – Петербург, Тип. Тилена и Неклюдова,

бўлмаган, уйда ўтирган қизларнинг аксарияти ўғил болаларга қараганда анча ривожланган ва улар катта қизиқиш билан саводли аёллар дарсларига қатнашган. Ушбу мактабларда аёллар кўпинча адабиётни форс тилидан ўзбек тилига ва аксинча таржима қилиш билан шуғуланишган. Таъкидлаш лозим, шу жараён Ўрта Осиё халқларининг таълим олишдаги ўзига хос жиҳатларининг бири эди. Йигирманчи асрнинг бошларида уларнинг баъзилари аллақачон рус тилида гапиришлари мумкин бўлган.

Саводли аёлларнинг ёрқин вакилларидан бири бўлган Дилшод Барно меросини ўрганган академик А.Мухторов монографик асарида Қаюмов номли бир кимсанинг хотираларидан шундай парчалар келтирган: «ижрага олган ҳужраларда яшовчи рус оиласари сони 20 оиласа кўпайган. XIX асрнинг 90-йилларида яшайдиган маҳалласида аста-секин Кўқон болалари рус болалари билан бемалол мулоқот қилишлари, рус адабиётларини ўқишлари ва уйларига олиб боришлари мумкин эди»<sup>1</sup>.

Шоира ва тарихчи Дилшод ўзининг шогирд қизларига маҳаллий аҳолини даволаш учун келган рус аёл шифокорлари, уларнинг ютуқлари, кўплаб маърифатчилар ва уларнинг ўша пайтда маҳаллий газеталар саҳифаларида нашр этилган асарлари ҳақида гапириб берарди.

Дилшод фожиали ҳаёт кечирган. Барча ватандошлари - Ўратепа шаҳри аҳолиси билан биргалиқда Умархоннинг қуллигига тушиб қолган. Кўқондаги хон ҳарамидан қочиб, у масжид имомининг хотинига айланган. Қўқонда кўп эркакларга ўқиш ва ёзишни ўргатган. Дилшод тўрт йил давомида қайноасидан илм ва туркий (ўзбек) тилни ўрганади ва кейинчалик ўқитувчи бўлиб мактабни мерос қилиб олади<sup>2</sup>. 51 йил мактабда таълим берган Дилшод Барно ҳар или 20-30 қизни тарбиялаб чиқарган.

Маълумотларда келтирилишича педагогик фаолияти давомида 891 нафар қиз Дил-

1868. 176 б.

<sup>1</sup> Мухтаров А. Дильшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX - начале XX вв. Душанбе, Дониш, 1969. 67-бет.

<sup>2</sup> Мухтаров А. Дильшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX - начале XX вв. Душанбе, Дониш, 1969. 44-бет.

шоддан таҳсил олганлар ва уларнинг ичидан ўзларининг сўзларига кўра тўртдан бири шеъриятни севадиган ва устозлари каби шоира-ларга айланган. Кейинчалик ўзининг тарихий асарида Дилшод ўқитувчи ва шоир бўлган энг қобилияти Хайринисо, Баҳринисо, Анбаротун, Маствура, Фазилат-бону ва Каромат<sup>3</sup> қизларининг исмларини санаб ўтган.

Таъкидлаганимиздек, Дилшод нафақат ўқитувчи, балки тарихчи ҳам бўлган. У қуллик ва Истравшан халқларининг Фарғона вилоятига кўчиши тарихини тавсифловчи “Таърихи муҳожирон” (“Муҳожирлар тарихи”) номли тарихий китобнинг муаллифи.

Шунингдек, Дилшод XIX-аср адабий муҳити, шоирлари, жумладан, диний хурофотлардан холи бўлган сўфий шоирлари ҳақида кўплаб хотиралар қолдирган. Шунингдек, у ўзи сингари қизларга дарс берган шоираларнинг исмларини келтириб ўтган. Айтиш жоизки, тарихчи аёллар қаторида Дилшод Барно Муҳаммад Бобуршоҳнинг қизи Гулбадан Бегимдан кейин иккинчи ўринда туради.

Дилшод ўз мактабида, диний маросимларга риоя қилишнинг асосий қоидаларини ўргатиш учун қайнаб турган мусулмон мактабларида қабул қилинган дастурларнинг, умумий ёдлаш усулига интилмади. Дилшод Шарқ мумтоз адабиётини ўрганиш орқали энг қиммат ахлоқий фазилатларни тарбиялашга ҳаракат қилди. Ўқув машғулотларини янада қизиқарли ўтказиш учун у китоб, қоғоз, қалам ва алифбо ҳарфлари ҳақида енгил қофиялар ва топишмоқларни ёзган. Дилшод шогирдларига юксак одоб-ахлоқ, меҳр-оқибат, поклик ва меҳнат ҳақидаги барча ўгитларга вижданан амал қилишни ўргатган.

Энг муҳими Дилшод Барно яхши ҳаётдан умидвор бўлиб, яқинда мактабларда ҳали унга номаълум бўлган кўплаб фанларни ўргатадиган кунлар келишини тушунди. У аёлларнинг жамиятдаги мавқенини ўзгартириш ва эркаклар билан тенг ҳуқуқли жамиятда ҳуқуқларни таъминлаш учун курашган ўз даврининг биринчи маърифатпарвар аёлидир.

Тутиқиз, Хайринисо, Баҳринисо, Анбаротун сингари шоиралар бевосита Дилшоди Барнонинг шогирдларидандир. Ундан бизга қадар тожик ва узбек тилларидаги шеърларни ўз ичига олган “Мунтаҳаб-ул-ашъор”

<sup>3</sup> Ўша манба, 103-105 бетлар.

(Танланган шеърлар), "Таърихи муҳожирон" (Муҳожирлар тарихи) китоблари мерос бўлиб қолган. Икки тилда баробар ижод этган — зуллисонайн ижодкор Дилшоди Барно 1906/7 йили Қўқонда вафот этган<sup>1</sup>.

Маърифатчи аёлларнинг яна бир вакили, истеъодли шоира Анбар Отин эди. Қўқонда зиёли оиласида туғилган. Анбарнинг шоира бўлиб етишида Увайсий ва Дилшоди Барноларнинг ўрни катта бўлган. Зероки, Анбар-ой Увайсийнинг жияни булиб, етти яшарлигидан Дилшоди Барно мактабида таҳсил олган.

Дилшоднинг шогирди Анбаротун кейинчалик «устод» Дилшод Барнонинг издошига айланди. Анбаротун ҳақида Дилшод шундай ёзган эди: «Мен унинг тарбияси билан 10 ёшигача шуғулланганман, бу қиз таниқли шоира бўлишига доимо умид қилганман»<sup>2</sup>.

Анбарой ёшлигиданоқ ўзининг нозикиди, зукколиги билан маҳалла аёллари орасида катта шуҳрат қозонган. Тасодиф сабаб бир маърифий базмда Анбар Отин зинадан йиқилиб, бир умрга ногирон бўлиб қолган. Аммо ногиронлик Анбар Отин руҳиятини сундирмайди. Ҳаётининг қисқа даврида ўз асрининг таниқли, илғор шоираларидан бири бўлишга улгурган. Анбаротун эркинликни ташвиқ этувчи шеърлари учун оғир жароҳатлар олган. У Жомий, Навоий сингари шоирларга эргашиб жўшқин лирик шеърлар, маърифатпарварлик руҳида шеърлар ёзди.

Анбаротун талабаларига катта ҳайрат ва миннатдорчилик билан руслар ҳақида сўзлаб бериб, уларнинг қалбида руслар сиймосида тараққийпарвар кучларга муҳаббат уйғотар эди. Унинг ўзи, фарзандлари ва набиралари ҳам руслар сингари ўз столларида ўтириб, тахтачаларга эмас, дафттарларда ёзишни орзу қилар эди. У ҳам юрти истиқлолга эришиб, ҳур замонлар келишини орзу қилар эди. Ушбу сатрлар фикримизнинг ёрқин далилидир:

Келиб хушнуд авлодим, мани мулким қилур обод,

<sup>1</sup> Машриқзамин — ҳикмат бўстони. // Тарж., тўпловчи ҳамда изоҳ муаллифлари: Ҳ.Хомидий ва Махмуд Ҳасаний. Масъул муҳаррир: F. Ac-Салом/. — Т.: Шарқ НМК. 1997. 360-бет

<sup>2</sup> Мухтаров А. Дильшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начале XX вв. Душанбе, «Дониш», 1969. – 372 с.

Бу вайрона диёримда шаҳарлар айлагай бунёд.

У устози ва қалбининг иродаси таъсирида ўзбошимчаликка қарши тош отувчи шеърлар яратди, биринчи марта ўз даврининг таниқли маърифатпарварларига мактублар ёзди. Анбаротун, кўпчилик қатори Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишидан катта ўзгаришларни кутган эди. Ҳаётининг охирги кунларига қадар у аёллар ва аёллар тарбияси учун туради. Унинг сўзларига кўра, фақат меҳнат ва таълим инсонни юқори интеллектуал даражага кўтариши мумкин.

Таниқли ўзбек лирик шоираси Жаҳон Отин Увайсий Марғилон шаҳрининг Чилдухтарон маҳалласида дунёга келди. Унинг отаси, онаси ва акаси ўз даврининг маърифатли кишиларидан бўлиб, Увайсийнинг тарбиясида катта роль ўйнашган. XVIII асрнинг 90-йиллари охирда шоира марғилонлик Хожихон исмли кишига турмушга чиқади. Увайсий бир қиз ва бир ўғил кўргач, орадан бир оз вақт ўтиб, умр йўлдоши вафот этади.

Увайсий шоира сифатида шуҳрат орттиради. Ўша вақтларда Марғилонда яшайдиган Умархоннинг рафиқаси Нодира Увайсийни девонга олиб келади ва бу икки катта шоира ўртасида умрбод дўстлик ришталари боғланади.

Нодира Қўқонга кўчиб келгандан кейин Увайсийни маҳсус ёрлиқ билан Марғилондан чақиритириб олади ва унга алоҳида ҳовлижай олиб бериб, доимий раҳнамолик қиласи. Увайсий саройда Нодира билан биргаликда умргузаронлик қиласи. 1822 йилдан сўнг Увайсий бошига кетма-кет ташвишлар тушади, - унинг Хокий тахаллуси билан шеърлар ёзувчи шоира қизи бевақт вафот этади. Ўғли Муҳаммадхон Кошғарга урушга жўнатилади. Шунинг учун у Нодирадан руҳсат олиб, ўз она шаҳри Марғилонга кўчиб кетади ва ўша ерда қашшоқликда умр кечирди.

Олимларнинг тахминига кўра, Увайсий 65 ёшларида вафот этган. Умр бўйи тасаввуф фалсафий ғояларини ифодаловчи ва дунёвий масалаларга бағишиланган лирик шеърлар ёзди. Шоира шеърларини ўз ичига олган бир қўлэзма девон Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида сақланади. Унда Увайсийнинг лирик шеърлари ҳамда "Шаҳзода Ҳасан" ва тугаллан-

май қолган "Воқеаи Муҳаммадалихон" номли тарихий достони мавжуд<sup>1</sup>.

Шоира нафақат шеърлари билан, балки тинимсиз педагогик меҳнати билан ҳам халқ орасида ҳурмат қозонгандардан эди. У, ўз даврининг бошқа маърифатпарварлари сингари, дунёвий маълумот олиш ва уни озод қилишда аёлларни қўллаб-қувватлашни очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлади. Увайсий аёллар адабий муҳити орасида шеърият ва маърифатни ўз оиласининг муқаддас анъанаси деб билган<sup>2</sup>.

Кўриниб турибдики, юқорида келтирилган даврнинг саводи аёллари шоиралар тоҷик ва ўзбек тилларида шеърлар ёзгандар. XIX-асрнинг иккинчи ярмидаги адабий муҳит уларнинг шеърларини юқори баҳолади. Гарчи бу аёлларнинг тақдирни, ўша даврдаги

кўплаб ўқимишли аёллар сингари, эркин фикрлаш учун ҳайратга тушган бўлса-да, улар ўзларининг қаттиқ аёлликларини акс эттирган шеърлар ёзишдан қўрқмаганлар.

### **Хулоса.**

1. Аёллар таълими ва умуман барча таълим, дастлабки босқичда оиласи таълимий тарифни оиласининг ўқитувчилари Дилшод Барно, Увайсий, Анбартун ва бошқалар мактаб масаласини энг фаол ҳимоя қилдилар. Саводли аёллар жамиятдаги ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айландилар.

2. Фарғона водийсининг ўқитувчилари Дилшод Барно, Увайсий, Анбартун ва бошқалар мактаб масаласини энг фаол ҳимоя қилдилар. Саводли аёллар жамиятдаги ўзгаришларнинг фаол иштирокчисига айландилар.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Абдирашидов З. Исмаил Гаспиринский и Туркистан в начале ХХ века: связи – отношения – влияние. – Ташкент, Akademnashr, 2011. – 384 бет;
2. Абдулазизова З.С. Макнуна и её место в литературном круге Коканда (первая половина XIX века). Дис. на соис. канд. фил. наук. - Душанбе, 2013;
3. Зебуниса, Дильшод, Анбар-Атын. - Ташкент: Издательство ЦК Компартии Узбекистана, 1983. – 128 бет;
4. Ислам и женщины Востока: история и современность. – Ташкент, Фан. – 112 бет;
5. Кочаров В.Т. Из истории организации и развития народного образования в дореволюционном Узбекистане (1865-1917 гг.). – Ташкент, «Фан». 1966. – 124 бет;
6. Машриқзамин — ҳикмат бустони. / Тарж., тўпловчи ҳамда изоҳ муаллифлари: Ҳ.Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасаний. Масъул муҳаррир: F. Ас-Салом /. — Т.: "Шарқ" НМК. 1997. — 400 бет.
7. Мухтаров А. Дильшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX - начале XX вв. – Душанбе: Дониш, 1969. – 372 с.;
8. Остроумов Н.П. Мусульманские мактабы и русско-туземные школы в Туркестанском крае. - М.: 2011. – 176 бет;
9. Пашино П.И. Туркестанский край в 1866 году. Путевые заметки. Б. – Петербург, Тип. Тилена и Неклюдова, 1868. 176 б.
10. Расулов А., Насриддинова Д. Жадидчилик ҳаракатида татар аёлларнинг ўрни. / Жадид маърифатпарварлик ҳаракатнинг ғоявий асослари /. - Тошкент, Тошкент ислом университети, 2016.
11. Ҳусайнова Ф. Демократ шоира Анбар отин. – Тошкент: , «Фан», 1964. – 36 бет.
12. Ҳудайкулов А.М. Просветительская деятельность джадидов Туркестана (конец XIX – начало XX в.) Дисс. на соис. канд. ист. наук. -Ташкент, 1995;
13. Қодирова М. Шоира Муаззамхон. – Тошкент: "Фан", 1992. – 96 бет.

<sup>1</sup> Машриқзамин — ҳикмат бустони. // Тарж., тўпловчи ҳамда изоҳ муаллифлари: Ҳ.Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасаний. Масъул муҳаррир: F. Ас-Салом/. — Т.: Шарқ НМК. 1997. 381-бет

<sup>2</sup> Қодирова М. Шоира Муаззамхон. - Тошкент, "Фан", 1992. 4-бет.